



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61 (12.372)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2013 йил — Обод турмуш йили

### ХУНАРМАНДЛАР ТУҲФАСИ

Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида «Bazar-Art. Баҳор – 2013» аънанавий 12-кўргазма-ярмарка бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг турли худудларидан келган 150 нафардан ортик уста ва хунарманд ўз ижод намуналари билан иштирок этди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий аънава ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида уста ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ҳамкор ижодий ташкилотлар томонидан ўтказилаётган «Bazar-Art» аънанавий кўргазма-ярмаркаси хунармандларнинг фаолиятини халқимизга яқиндан таништириш, «Устоз-шогирд» мактаби аънаваларини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўтган

йиллар давомида мазкур лойиҳада қатнашган энг мохир хунармандлар, уларнинг шогирдларига грантлар ажратилиб, фаолияти моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

«Bazar-Art» кўргазма-ярмаркасида ҳар йили мунтазам қатнашамиз, — дейди ЎзА мухбирига тошкентлик чиннисоз уста Ғайрат Даминов. — Бу йилги кўргазма-ярмаркага ўзига хос баҳорий совға тайёрладик. «Анор», «Гулдаста», «Шарқ марвариди», «Дурдона», «Самарқанд», «Нафосат» сингари байрам дастурхони учун мўлжалланган чинни идишлар тўпламлари ҳамюртларимиз ва чет эллик меҳмонларга жуда манзур бўлмоқда.

Тўрт кун давом этган кўргазма-ярмарка давомида маҳорат сабоқлари, тақдирот маросимлари ҳам бўлиб ўтди.

Назкат УСМОНОВА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида бўлиб ўтган давра суҳбатида мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг бугунги аҳволи ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тадбир Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ташкил этилди.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг муҳим устувор вазифаси ҳисобланади. Жаҳонда углеводород хомашёси захиралари камайиши кузатилаётган ҳозирги шароитда қайта тикланадиган энергия манбалари тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда. Бу электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришнинг янги технологик базасини шакллантириш, янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди бошқаруви раиси М.Ширинова, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар мамлакатимиз муқобил энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга эканини таъкидладилар. Хусусан, қуёш энергиясидан технологик имкониятлар бўйича фойдаланишнинг ўзи 179 миллион тонна нефтга тенг энергияни олиш имконини беради. Шу мақсадда ноанъанавий энергетика ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан кенг фойдаланишга йўналтирилган зарур меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилмоқда.

Тадбирда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган

«Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармони ва Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил этиш тўғрисидаги Қароридан белгиланган вазифаларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжатлар муқобил энергия манбалари соҳасида тадқиқотлар ва тажриба-саноат ишланмаларини янада юқори техник ва илмий даражада давом эттириш, жаҳон тажрибасидан амалда фойдаланиш, мамлакатимизда мазкур соҳа учун замонавий ускуна ва технологияларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган.

Давра суҳбати иштирокчилари Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Ижтимоий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари» лойиҳаси билан танишди. Лойиҳа чекка ва бориш қийин бўлган туманларда ижтимоий соҳа объектиларини энергия билан таъминлашни яхшилашга йўналтирилган. Ҳозирга қадар мамлакатимизнинг саккиз худудидидаги қўллаб-қувватлаш махсус ускуналар билан бегараз асосда жиҳозланди.

Тадбирда меъёрий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш, муқобил энергия манбаларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш қўнимларини ўрғатиш билан боғлиқ тажриба лойиҳаларини амалга ошириш масалалари юзасидан таклифлар билдирилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,  
ЎзА мухбири

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси эртага — 2013 йил 28 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

кор ўйин намоиши этган футболчиларимиз муҳим ғалабага эришди. Учрашувдаги ягона голни терма жамоамиз сардори Сервер Жепаров киритди.

Ушбу ғалабадан сўнг Ўзбекистон миллий терма жамоаси 11 очко жамғариб, пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлади. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Жанубий Корея футболчилари ўз майдонида сўнгги дақиқаларда урган голи эвазига Қатар миллий терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўн очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. Мағлубиятга учраганига қарамай, қатарликлар ва бу турда дам олган Эрон миллий терма жамоаси ҳам ҳисобларидаги етти очко билан мундиал йўлланмаси учун курашнинг давом эттирмоқда.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш босқичининг навбатдаги учрашувини 11 июнь куни сафарда Жанубий Корея футболчиларига қарши ўтказди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан бунёд этилган Бухоро маданий марказидаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи қошида она юрт олдидаги шарафли бурчини ўташга киришаётган ёш аскарларнинг тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экологлар, журналистлар иштирок этди.

● Кўнгирот туманида гўштни қайта ишлайдиган янги цех қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Қорақалпоқ-деликатес» масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу янги цехда 20 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. Бу ерда кунига икки тонна гўшт қайта ишланиб, ўн хил маҳсулот тайёрланмоқда.

● Навоий вилояти Хатирчи тумани «Олчинобод» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллада ташкил этилган янги ўқув маркази шу маҳаллада истиқомат қилувчи хотин-қизларни тивувчилик хунарига ўргатиш орқали улар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда 50 нафардан ортик қишлоқ аёллари ва қизлар «устоз-шогирд» аънаванаси асосида хунар ўрганмоқда. Бундан ташқари, замонавий тикув дастгоҳларига эга марказда касаначилик асосида кўрпак-тўшак жилдлари тайёрланмоқда.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Италия ташқи ишлар вазири Жулио Терци ўзининг истеъфога чиқилиши маълум қилди. Терци ҳинд баллиқчилари ўлимида айбланаётган икки нафар Италия денгиз пиёдаларини Ҳиндистон маъмурларига топшириш тўғрисидаги қарордан норози эканлигидан шундай тўхтамга келганлигини изоҳлади.

● Австралия қирғоқларида йўловчи кемаси ағдарилиб кетди. «France Press» ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, воқеа юз берган пайтда кемада 95 киши бўлган. Улардан икки нафари қабдан кўз юмган. Яна икки йўловчининг аҳволи оғир экани айтилмоқда. Ҳалокатни биринчи бўлиб пайқаган Австралия қирғоқ хизмати ходимлари жабрланганларга ёрдам кўрсатган.

● Кеча Тайванда 6,1 магнитудали зилзила содир бўлган. Сейсмологларнинг маълумотларига кўра, ер силкинишининг маркази 15 метр чуқурликдадир. Вайроналар ва жабрланганлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

● Ҳиндистон чемпионатининг «Мохун Баган» ва «Пейлан Эрроуз» жамоалари ўртасидаги беллашув тугагандан сўнг қутилмаганда майдонда ўндан ортик захарли илонлар пайдо бўлди. Бахтли тасодиф туфайлигина ўйин иштирокчилари ва томошабинлардан ҳеч ким жабрланмаган.

● Кеча Кузбассдаги «Осинниковская» шахтасида режали ишлар амалга оширилаётган пайтда коннинг газ-дренаж қисмини сув босиши натижасида ер остида 9 нафар кончи қолиб кетган. Ҳозирда кончиларнинг беш нафари сувни чиқариб юборишга ҳаракат қилаётган бўлиб, тўрттасининг тақдири номаълумлигича қолмоқда.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш мусобақасининг тўртинчи босқич олтинчи тур учрашувида Ливан футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

## ЎЗБЕКИСТОН — ЛИВАН: 1-0

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида мамлакатимиз чарм тўп усталари халқаро майдонларда улкан муваффақиятларга эришмоқда.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз тарихида илк маротаба футбол оламининг энг нуфузли мусобақаси — жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритишга жуда яқин турибди. Халқимизнинг юксак салоҳиятини, кучли характер ва ватанпарварлик намуналарини намойён этаётган футболчиларимиз Осиё саралаш мусобақасининг якуний босқичида пешқадамлик қилмоқда.

Ўзбекистон ва Ливан миллий терма жамоалари ўртасидаги учрашув мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида янги куриб битказилган мухташам «Бунёдкор» стадионида бўлиб ўтди.

«А» гуруҳида охириги ўринни эгаллаб турган Ливан учун Тошкентдаги ўйин ҳал қилувчи аҳамият касб этарди. Ўзбекистон миллий терма жамоасидан енгилса, жаҳон чемпионатига бора олмастлигини яши билган ливанлик футболчилар муҳим учрашувда ҳамюртларимизга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Янги стадионга келган минглаб мухлисларнинг астойдил қўллаб-қувватлаши остида ҳужум-

зуида байрам тадбири бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Ахборот технологиялари университетиди «Ёшлар ва ҳуқуқий тарбия масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

✓ **БУГУН** Тошкент Давлат мусиқий комедия театрида мазкур маданият даргоҳининг 40 йиллигига бағишланган гала-концерт намоиши этилди.

## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида «Буёқ кадрият» мав-





**Шаҳримиздаги «Бунёдкор» спорт мажмуасида «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан ташкил этилган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» номли фестивал доирасида «Варрақлар сайли» бўлиб ўтди.**

## «Камолот»

### ВАРРАҚЛАР САЙЛИ МАРОҚЛИ ЎТДИ

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар қалбиди миллий ғоя, урф-одат ва анъаналарга бўлган садоқатини оширишга қаратилган байрамона лойиҳада асосан умумтаълим мактабларининг 250 дан ортиқ ўқувчи-ёшлари ўз қўллари билан ясаган «Лайлак», «Бешқамич», «Қуроқ» каби варрақлар билан иштирок этишди.

— 2006 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Варрақлар сайли» лойиҳасида бугунги кунга қадар 3100 дан ортиқ ёшлар қатнашди, — дейди «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдинов. — Эртанинг эгалари бўлган ёш авлодди ота-боболаримиздан бизгача мерос бўлиб келатган миллий қадриятларимиз, урф-одат ва қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда камол топтиришда «Варрақлар сайли» тadbирининг ўзига хос ўрни бор, албатта.

Иштирокчилар маҳоратини баҳолашда асосий эътибор варрақнинг ҳақиқатан ўқувчилар томонидан ясалганлигига, уларни безатишдаги ўзига хос миллийлик ва парвозининг баланглигига қаратилди.

— Биласизми, ҳар йили баҳор фасли келишини ўзгача интизорлик билан кутаман, — дейди 138-умумтаълим мактаби ўқувчиси, «Варрақлар сайли» танловини голиби Сайфиддин Насриддинов. — Эсимни танибманки, ҳар баҳорда бобом менга варрақ ясаб берадилар. Биргаликда варрақ учирай эканми, улар «Ортимиз тинч, осмонимиз мусаллоҳ бўлсин. Ўзбекистонимизга кўз тегмасин», — дея тилак бил-

дирадилар. Мазкур тadbирда ҳам бобом билан ясаган «Бешқамич» варрагим билан иштирок этиб, голиб бўлдим.

Танлов якунларига кўра туманда жойлашган 270-умумтаълим мактаби жамоаси олий, 179-умумтаълим мактаб жамоаси биринчи, 173- ҳамда 181-умумтаълим мактаблари эса кейинги ўринларни қўлга киритишди.

— Мактабимиз миқёсида «Варрақлар сайли» лойиҳасини ташкил этганимизда 100 дан ортиқ ўқувчилар иштирок этишган, — дейди 179-умумтаълим мактабининг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Камола Йўлдошева. — Танловнинг туман босқичида мактабимиздан 14 нафар ўқувчилар иштирок этишиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгалладик, яъна тартибда эса мактабнинг тўрт нафар ўқувчиси турли йўналишларда голибликни қўлга киритди. Мана шундай танловлар ёшларнинг маънавий дунёқарошини кенгайтириш билан бир қаторда фойдали меҳнат фаолияти билан машғул бўлишларига ўз ҳиссасини қўшади, деб ўйлайман.

Лойиҳада «Энг баланд учган варрақ», «Энг чиройли парвоз этган варрақ», «Энг жозибадор варрақ» ҳамда «Энг фаол иштирок этган мактаб жамоаси» йўналишларида голиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлангиларди.

Яъна тартибдаги мусобақаларда варрақни энг баланд парвоз этган 30 нафар ёшларга мақтов ёрлиқлари топширилди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

## Спорт янгилликлари

### ОЛИЙ ЛИГАГА НОМЗОДЛАР САРАЛАНАДИ

**Пойтахтимизда шахмат бўйича биринчи лига вакиллари ўртасида уюштирилган Ўзбекистон чемпионати қизгин паллага кирди.**

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимиз вилоятларидан келган шахматчилар ўртасидаги бахсларнинг ўн биринчи тури ортда қолди. Шу кунгача эрақлар ўртасида ўн бир имкониятдан тўққиз очко жамғарган Акмал Файзуллаев биринчи ўринда бораётган бўлса, хотин-қизлар ўртасида Хулжар Тоҳиржонова пешқадам бўлиб турибди. Эслатиб ўтамиз, турнир жадвалида энг кўп очколар жамғара олган беш нафар шахматчи олий лигада ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритади. Бахслар давом этмоқда.

### ПОЙТАХТИМИЗ ҚИЛИЧБОЗЛАРИ — БИРИНЧИ

**Шаҳримизда қиличбозликнинг шамшир йўналиши бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.**

Эрақлар ва хотин-қизлар иштирокида ташкил этилган ушбу беллашувларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган қиличбозлар голиблик учун кураш олиб боришди.

Эрақлар бахсларида биринчилик беллашувларига пухта тайёргарлик кўрган Сергей Тимошук шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, хотин-қизлар орасида ҳам пойтахтимиз вакили Валерия Васильевага тенг келадиган спортчи топилмади.

Умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи, иккинчи ўринлар Тошкент шаҳри вакилларига nasib этган бўлса, фахрли учинчи ўринни самарқандлик қиличбозлар эгаллашди.

**Маълумки, 9 апрель кунин футбол бўйича Осиё футбол конфедерацияси Кубоги турнири гуруҳ бахсларининг 3-тури бўлиб ўтади.**

### ҲАМЮРТИМИЗ ЛИВАНГА БОРАДИ

Унда ОФК кубоги турнирининг «В» гуруҳидан ўрин олган Ливаннинг «Ан-Ансор» ҳамда Яманнинг «Ахли СК» жамоалари беллашув бўлиб ўтади. Эътиборлиси шундаки, ушбу баҳсни ҳамюртимиз Олим Арифов комиссар сифатида бошқаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Олим Арифов ўтган йилги ОФК Кубоги турнири беллашувларида 19 мартаба комиссарлик қилган. Юқорида эслатганимиз Ливандаги баҳс Олимнинг жорий йилдаги тўртинчи урашувиридир.


### «ПАХТАКОР» ЭНГ ЁШ ЖАМОА

**Мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари футболчиларининг ўртача ёшини таҳлил қилганда қуйидаги маълумотларга дуч келиш мумкин.**

Икки йилдан бери фақат ўз академияси тарбияланувчиларига катта ишонч билдираётган амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Пахтакор» жамоаси ўз сафини ёш, иқтидорли чарм тўп усталари ҳисобига тўлдиришнинг удрасидан чиқди. Профессонал футбол лигаси жамоалари ўртасида «Пахтакор» бу борада биринчи ўринда бор-

моқда. Чунки пахтакорчиларнинг ўртача ёши 23,4 ни ташкил этади. Иккинчи ва учинчи ўринларда «Гулистон» ва «Олмалик» командалари бормоқда. Профессонал футбол лигасидаги энг кекса жамоа ҳозирча «Шўртан» бўлиб турибди. Эро, гузорлик футболчилар ўртача 30 ёшда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Нафс қаноатни билмайди.

\*\*\*

Тафаккурдан тўхтаган мутаассиб бўлади.

\*\*\*

Бировни йўлдан уриш осон, йўлга солиш қийин.

\*\*\*

Шошилганда вақт тез ўтади.

\*\*\*

Оқил одам беҳуда ўтган кунларининг ҳиссасини чиқариб олиш пайдан бўлади.

\*\*\*

Одамни ирода бошқаради.

\*\*\*

Азалдан имконияти бор ундан фойдаланмайди-ю имконияти йўқ уни қидириб юради.

\*\*\*

Иши битган тутқич бермайди.

\*\*\*

Ҳар ким ўз тенги билан топшади.

\*\*\*

Нодоннинг мантиғи мантиқсизлик.

\*\*\*

Сабр қилсанг, ўзи келади.

\*\*\*

Иши йўқнинг гапи кўп.

\*\*\*

Ҳою ҳавас ҳеч тугамас.

\*\*\*

Ёмонга тенг бўлиб обрў ололмайсан.

\*\*\*

Бировнинг юки бошқага малол.

\*\*\*

Бировни эшита билиш ҳам санъат.

\*\*\*

Ҳар кимга меҳнатига яраша ва феълига қараб.

\*\*\*

Дунё кўрган кишининг тили бурро бўлади.

\*\*\*

Ҳаммани айблаб юрганнинг ўзи ҳам соғ эмас.

\*\*\*

Иш ҳам устасидан кўрқади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

**Тошкент Архитектура-қурилиш институтида Архитектура факультетининг расм, рангасвир ва ҳайкалтарошлик кафедраси томонидан «Устоз-шогирд» тизиминда тайёрланган талабаларнинг «Баҳор нафаси» деб номланган ижодий ишларидан намуналар қўйилган кўргазма ташкил этилди.**

## Кўргазмалар

### ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ИШЛАРИ

Тadbирнинг очилишида пойтахт олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, рассомлар, талабалар, турли касб эгалари қатнашди. Кўргазмага талабаларнинг натюрморти, манзара, архитектуравий фантазия, архитектуравий манзара мавзуларида 50 дан ортиқ ижодий ишлари қўйилган. Уларда табиатимиз манзаралари, сахий ўлка инъомлари, миллий-маданий қадриятларимиз, фалсафий мушоҳадалар акс этган бўлиб, санъат ихлосмандларини мулоҳазага чорламоқда.

Кўргазмада айниқса Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, архитектура факультетининг биринчи босқич талабаси Бону Азизова асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Экспозициядан ўрин олган ишларда ижодкор ёшларнинг ҳаётга, табиат манзараларига бўлган ҳис-туйғуларини, қалбидаги муҳаббат ранг-баранг бўёқлар орқали тасвирланган. Расм, рангасвир ва ҳайкалтарошлик кафедраси мудири профессор Додо Нозилов ижодкор талабалар ишларига тўхталар экан, шундай деди: «Мен тасвирий санъатнинг бизнинг йўналишимизга яқин яна бир жанрига тўхтаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. У ҳам бўлса архитектуравий фантазия ва архитектуравий манзаралардир. Бу жанрдаги ижодий ишлар архитектура, дизайн йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун жуда зарур. Чунки у талабани геометрик ҳажмлардан, бионик предметлардан ташкил топган композициялар яратишга ундайди, кейинги босқичларда улар архитектура элементлари билан геометрик шаклларни боғлашга ҳаракат қилишади. Натижада бу турли архитектуравий фантазиялар яратиш иштиёқини тўғдиради. Бундай мавзудаги топшириқлар талабаларнинг архитектура ва дизайн йўналишларида эркин ижод қилишларига кўникма ҳосил қилишга имкон яратади. Архитектурага оид билимларини оширади. Талабаларимиз портрет жанрида ҳам тинмай ижод қилишади. Улар ижодидида профессионализм даражасига интилиш иштиёқи яққол сезилади.

Бир сўз билан айтганда, талабалар ижодидида ҳам фалсафий мушоҳадалар ўз аксини топган. Уларда хилма-хиллик гўё мусиқадаги аккорд торларидек кишини ўзига жалб қилади, мушоҳада қилишга ундайди. Гўзалликни, ёшликни, ҳаёт завқини, Ватанга бўлган садоқатни ёдимизга солади.

Зафар НАЗАРОВ

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### KDB Bank Uzbekistan

## Ҳурматли ватандошлар, мижозлар ва ҳамкорлар!

“ЎзҚДБ Банк” ЁАЖ ва “Royal Bank of Scotland MB O'zbekiston” ЁАЖ “Royal Bank of Scotland MB O'zbekiston” ЁАЖнинг “ЎзҚДБ Банк” ЁАЖга қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилганлиги ҳамда қайта ташкил этилган банкнинг “ҚДБ Банк Ўзбекистон” ЁАЖ деб номланганлиги ҳақида маълум қилади.

Банкларни қайта ташкил этиш ҳамда қайта ташкил этилган банкнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2013 йил март ойида тасдиқланган. “ҚДБ Банк Ўзбекистон” ЁАЖ “ЎзҚДБ Банк” ЁАЖ ва “Royal Bank of Scotland MB O'zbekiston” ЁАЖ барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Банкни қайта ташкил этиш билан бизнинг банкимиз ривожланишининг янги саҳифаси бошланишига аминмиз ҳамда Сиз билан келажақда ҳамкорлик қилишга умид билдираимиз.

Биз Сизга юқори сифатли банк хизматларини таклиф этишдан ҳамда Сизни банк мижози сифатида кўришдан мамнунмиз.

### «ҚДБ Банк Ўзбекистон» ЁАЖ

Вебсайт: <http://www.kdb.uz>

Pioneer Bank beyond Best

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:  
vto2007@mail.uz

Буюртма Г-341

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
14221 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул  
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30